

У.П. Умаров,
ўқитувчи, ЖИДУ

ЯПОНИЯДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ

В данной статье рассмотрены состояние изменения структуры внешней торговли Японии, государственный механизм регулирования ВЭД в условиях современных интеграционных процессов и на основе исследований тенденции развития были сформулированы предложения. На основе полученных результатов были разработаны научные рекомендации по улучшению внешнеэкономической деятельности Японии.

This article describes the condition of changing the structure of Japan's foreign trade, the state regulation mechanism of foreign economic activity in the conditions of modern integration processes and research-based development trend was the formation of proposals. On the basis of the results obtained have been developed to improve the scientific recommendations of foreign economic activity in Japan.

Калитли сўзлар: ташқи савдо, ТИФни давлат томонидан тартибга солиш механизмлари, тўлов баланси, экспорт ва импорт, савдо баланси дефицити.

Сўнгги йиллардаги Япония иқтисодиётидаги кузатилаётган ижобий натижалар уни ривожланган давлатлар, хусусан АҚШ сингари иқтисодиёти энг ривожланган давлатлар билан рақобатлаша оладиган, жаҳон хўжалигининг кучли субъектига айланиб бораётганлигидан далолат бермоқда. Ўз навбатида, Япония 1980 йиллар бошида халқаро савдо бўйича жаҳонда етакчи ўринга чиққанлиги бунинг яққол далилидир. Айнан шу даврдан жаҳонда учта асосий АҚШ, ғарбий Европа ҳамда Япония сингари жаҳон бозори марказлари ташкил топди. Ҳозирги кунга келиб, жаҳон иқтисодиётнинг асосий товар оқимлари ҳаракатининг салмоқли қисми мазкур “кучли учлик” ҳиссасига тўғри келмоқда[1].

Шу нуқтаи назардан, Японияда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларда давлатнинг аҳамиятини ўрганиш, жаҳон ҳамжамиятида эришаётган ютуқларни таҳлил қилган ҳолда, уларнинг ижобий томонларини миллий иқтисодиётимизнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб амалиётга жорий қилиш муҳим ҳисобланади.

Тадқиқотларимиз кўрсатишича, Японияда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда давлатнинг аҳамияти юқори ҳисобланади. Ташқи иқтисодий алоқаларни давлат томонидан тартибга солиш мамлакатдаги мавжуд ҳолат ҳамда хориж тажрибаларини чуқур таҳлили асосида кенг қамровли чоратадбирлар орқали амалга оширилади. Мазкур чор-тадбирлар сирасига қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

– ташқи иқтисодий алоқалар стратегиясини ишлаб чиқиш;

- унинг таркибий ва географик жиҳатдан устувор томонларини аниқлаш;
- назорат-тартибга солиш ҳамда молиявий рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган чора-тадбирлар тизимидан фойдаланиш;

- амалиётида давлат томонидан ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда асосан ҳуқуқий-меърий асосан, Япониянинг “Валюта айирбошлаш ва ташқи савдо тўғрисида”ги[2] Қонуни, маъмурий, иқтисодий, шунингдек ноанъанавий усуллар кенг қўлланилади.

Шу боисдан, Япония ташқи иқтисодий фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш юзасидан олиб борилаётган ислохотлар мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминловчи муҳим омиллар сифатида қаралмоқда. Бу эса ўз навбатида, Япония миллий иқтисодиётни халқаро савдо-иқтисодий ва илмий-техник жараёнларга интеграциялашувини кучайтиришга туртки бермоқда.

Мазкур механизм кўп томонлама ва либерал савдо тамойилларини қамраб олишига қарамай, ўзида халқаро шартномалар ҳамда ХВФ (Халқаро валюта фонди), ИХРТ (Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти), ГАТТ/ЖСТ (Жаҳон савдо ташкилоти) каби халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларининг кодексларида келтирилган меъёрларни ҳам акс эттиради. Аммо, одатда ташқи иқтисодий операцияларни олиб боришдаги эркинлик тамойили ҳам ўз навбатида, унинг устидан минимал даражада давлат назоратини олиб бориш заруратини юзага келтиради. Бу эса, Японияга ташқи иқтисодий фаолиятининг барча йўналишларини меърий-ҳуқуқий асослар билан тартибга солиб туриш имконият яратади. Хусусан, Японияга халқаро иқтисодий муносабатлардаги замонавий ҳолатларни назорат қилиш ва ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда миллий иқтисодиётни ривожлантиришда янги йўналишларни яратиш имконини беради.

Япония ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солиш механизмини асосини ташкил этадиган қонунчилик ҳужжатлари қуйидагилардан таркиб топган:

1. Экспорт – импорт операциялари.

2. Божхона тарифлари.

3. Ташқи савдони тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар, яъни “Экспорт инспекцияси тўғрисида”ги, “Ташқи савдони суғурталаш тўғрисида”ги, “Фавқулотда импортни ривожлантириш ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенгайтириш тадбирлари тўғрисида” ги Қонунлар;

4. Маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги стандарт ва техник талаблар. Бунда “Саноатни стандартлаштириш тўғрисида”ги қонун муҳим ўрин тутди;

5. Интеллектуал мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи. Бунга “Патентлаш тўғрисида”ги ва “Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида”ги қонунларни келтириб ўтиш мумкин[3].

Фикримизча, Японияда ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишда унинг ҳар бир йўналишини ўз ичига қамраб олган комплекс қонунчилик асослари ҳамда ноанъанавий методларининг мавжудлиги ташқи савдони маъмурий-бошқарув жиҳатдан ҳуқуқий ҳужжатлар асосида таъминлаб беради. Шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солишининг самарадорлиги мамлакатни ҳар бир босқичдаги ривожланиши ва

истикболи учун унинг барча эҳтиёжлари ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ташқи иқтисодий стратегиясини ишлаб чиқишни таъминлайди.

Бунда асосий вазифани иқтисодий механизмлар бажаради. Японияда компанияларнинг экспорт-импорт операцияларини ҳамда кириб келаётган хорижий инвестицияларни кредитлашнинг самарали механизми Япония Эксим-банки[4] ҳисобланади. Шунингдек, мамлакатда экспорт ва импортни рағбатлантиришга қаратилган солиқ имтиёзлари ҳам мавжуд. Айни шу механизм Япония ташқи савдо тизимини бошқа мамлакатлардан ажратиб туради.

Японияда ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан ривожлантириш механизми ўз кўлами бўйича жаҳонда етакчилардан бири ҳисобланади. Хусусан, савдо ва инвестицияларни давлат томонидан суғурталашнинг девирсификациялашганлиги, миллий ишлаб чиқарувчиларни турли рисклардан ҳимояловчи тизимларнинг мавжудлиги бунинг исботидир. Ўз навбатида мазкур тизимлар савдони, валюта рискларини, экспорт векселларини ва облигацияларини, импорт учун аванс тўловларини, хорижий инвестицияларни, хорижий компаниялар кредитларини суғурталаш каби рағбатлантирувчи вазифаларни бажаради.

Япония ҳукумати ташқи иқтисодий алоқаларга хизмат кўрсатишни ташкиллаштирувчи асосий тизим вазифасини ҳам бажаради. Ушбу тизим асосан маркетинг маълумотларини жамлаш ва таҳлил қилиш, ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатиш, реклама-кўргазма ишларини ташкил қилиш каби тармоқланган хусусиятларни ўзида акс эттирган. Мазкур тизимни молиялаштириш эса давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Фикримизча, бу тизим орқали Япония ТИФнинг самарадорлиги ортиши билан бирга, ундаги янги иштирокчиларни қатнашишини ҳам таъминланади.

Тижорат ишларини ахборот билан таъминлаш, хорижий тижорат ахборотларини жамлаш ва таҳлил қилиб бориш ТИФ бўйича давлат иштирокининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Ушбу кенг қамровли фаолиятда Ташқи ишлар вазирлиги, Савдо ва саноат иқтисодиёти вазирлиги (ССИВ), Илмий-техника бошқармаси, Иқтисодий режалаштириш бошқармалари ҳамда бошқа давлат корхоналарининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

Юқорида номи келтирилган ташкилотлар қаторида, 1958 йилда тузилган, Япония ташқи савдони ривожлантириш ҳамкорлик ташкилоти (ДЖЕТРО)ни алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Бу ташкилот нотижорат ҳисобланиб, тўлалигича ҳукумат томонидан молиялаштирилади. У Японияда Ташқи савдо ва саноат вазирлиги ва турли корпорацияларни бир-бири билан боғловчи бўғин вазифасини бажаради ва хорижий давлатлар иқтисодиёти бўйича маълумотларни жамлаб таҳлил қилувчи йирик тадқиқот маркази ҳам ҳисобланади. Шунингдек, ДЖЕТРО машинасозлик ва қурилиш бўйича консултантив фирмалар ассоциацияси, Жанубий-Шарқий Осиёда савдо, туризм ва инвестицияни ривожлантириш маркази каби консултантив органларни ўз атрофига жамлаган.

Япония ташқи иқтисодий комплексининг самарадорлиги ТИФнинг мустаҳкам институционал асослари мавжудлиги билан ҳам боғлиқдир. Мазкур

соҳани давлат томонидан бошқариш тизимини учта асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

- маъмурий бошқариш органи;
- координацион бошқариш органи;
- консултатив бошқариш органи.

Давлат томонидан ТИФни маъмурий бошқаришда мамлакатда саноат ва ташқи савдо сиёсатини ишлаб чиқувчи ва мувофиқлаштирувчи ташкилот, Савдо ва саноат иқтисодиёти вазирлиги (ССИВ) алоҳида ўрин тутди. Вазирлик асосан қуйидаги ишлар билан шуғулланади:

– Японияни хорижий мамлакатлар билан савдо муносабатларини таъминлаш;

- ташқи савдодаги валютага оид муаммоларни бартараф этиш;
- экспорт товарларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;
- лицензияланган товарлар импорти учун квоталар жорий этиш;
- импорт қилишга рухсат бериш,
- савдога мувофиқ келадиган қоидаларни аниқлаш;
- мамлакат иқтисодиётини таркибий қайта тузиш ва режалаштириш каби

вазифаларни бажаради.

Тадқиқотларимиз кўрсатишича, миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш учун Вазирлик:

- экспорт, хорижий инвестициялар ҳажмини оширишга,
- ички бозорни ва юқори технологияли, ноишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга,
- замонавий ахборот технологияларга асосланган иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга,
- ташқи савдо дисбалансини қисқартиришга;
- хом ашё, энергия ресурси импортини камайтиришга асосий эътиборини қаратади.

Японияда савдо иқтисодий сиёсатни босқичма-босқич ва келишилган ҳолда амалга ошириш ҳукумат органларининг идоралараро мувофиқлаштириш орқали таъминланади. Мазкур мувофиқлаштирувчи тузилмага Савдо кенгаши, иқтисодий масалалар бўйича вазирлар йиғилиши, тузилмавий ислохотларни жорий этиш бўйича асосий партиялар ҳаракати ва ҳукумат қўшма штаби киради.

ТИФни давлат томонидан тартибга солиш тизимининг яна бир афзаллик томони, мамлакатда ҳукуматнинг турли даражадаги мансабдор шахсларидан таркиб топган кўплаб маслаҳат марказлари фаолият олиб боради. Бунинг ўзига хос хусусияти шунда-ки, ташқи иқтисодий фаолият бўйича юзага келадиган турли муаммолар мазкур маслаҳат марказлари томонидан консенсус ташкил қилган ҳолда, ҳал қилинади.

Японияда ТИФни тартибга солиш тизими давлат ҳамда хўжалик субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги доирасида олиб борилади. Хусусий секторни ривожлантириш мамлакатдаги ислохотларнинг муҳим стратегик йўналиши сифатида белгиланиши, тизимнинг асосий мезони бўлиб

ҳисобланади. Бу каби тартибга солиш моделлари нафақат қаттиқ маъмурий тадбирлар ва методлар асосида, балки ўзига хос рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган юмшатувчи чоралар орқали ҳам амалга оширилади. Бу эса давлат томонидан олиб бориладиган ислохотларнинг самарадорлигини янада ошириш имконини беради.

Япония капиталини хорижга жойлаштиришнинг интенсивлигига таъсир этувчи асосий омиллари сифатида саноат корхоналарини зич жойлашганлиги, иқтисодий имтиёзларнинг мавжудлиги, малакали меҳнат ресурсларига эгаллиги ҳамда давлат реципиенти билан таъминланганлигини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Тадқиқотларимиз кўрсатадики, Японияда миллий иқтисодиётнинг ўсишини таъминлаётган қиёсий устунликлар ташкилий-иқтисодий механизм асосида, хусусан ташқи савдони тартибга солиш орқали амалга оширилади.

Мазкур қиёсий устунликни ривожланиши унинг меҳнат сиғимидан капитал ва илмий сиғими юқори бўлган ишлаб чиқаришга ўтилиши орқали таъминланган.

Миллий иқтисодиётнинг қиёсий устунлигини аниқлашда сотиладиган асосий товарлар гуруҳидан келиб чиқиб, ЯИМни таркибини шакллантириш жараёни асосидаги методик ёндашувдан фойдаланилади. Шу мақсадда сотиладиган товарларни таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Хуллас, Японияда ЯИМ таркибини асосини ташкил этадиган экспорт товарларини учта асосий гуруҳга ажратиб кўрсатиш мумкин.

- биринчи гуруҳ – “Рикардо товарлари”;
- иккинчи гуруҳ – “Хекшер Олин товарлари”;
- учинчи гуруҳ – “Вернон товарлари”;

1970 йилларда Япония ташқи иқтисодий ислохотларни Хекшер-Олин модели мувофиқ олиб борди. 1990 йилга келиб эса ушбу модель ўрнига мамлакатда юзага келган иқтисодий жараёнларга мос келадиган Вернон модели қўлланила бошлади. Мазкур жараёнлар юқори технологияли ва хомашё тежайдиган ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ишлаб чиқариш қувватини хорижга кўчириш ҳамда халқаро ҳамжамият билан соҳалараро савдо ва инвестицион алоқаларни ривожлантиришда давлатнинг ролини ошириш кабиларни ўз ичига олган[5].

Япония ташқи савдосининг замонавий таркиби Вернон модели асосида ташкил этилиши яъни паст технологияли ва меҳнат сиғими юқори бўлган жараёнлардан воз кечиб давлатлар билан соҳалар ичида икки ҳисса ўхшашлик тамойили бўйича ресурсларни тенг тақсимлаш орқали савдо алоқаларини олиб боришда киришди. Мазкур ҳолатда соҳалар ичида савдо модели барча омилларда даромаднинг ортишига имкон беради натижада япон тадбиркорларининг бошқа давлатларнинг ноёб ресурсларига бўлган қизиқишлари камайиб боради.

Японияда ташқи савдони тартибга солиш орқали қиёсий устунликни амалга оширишда экспортни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини киритилиши, кичик ва ўрта бизнеснинг резерв фондиди солиқдан озод қилиниши, ташқи бозорларни ўзлаштиришни соддалаштириш, экспорт

солиқларини йўқлиги, савдо ва инвестиция операцияларини давлат томонидан суғурталаш каби мукамал ташкилий-иқтисодий формалар юзага келди.

Хусусан, Япония молиявий тизими иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврларда экспортни қўллаб қувватлаш учун кўпгина қийинчиликларни бошдан кечирди. Ҳозирги кунда эса мазкур тизим соҳаларни ривожлантиришда имтиёзли молиялаштириш, солиққа тортиш ва суғурталаш каби бир қатор имкониятларга эгадир.

Сўнгги йилларда Японияда экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш суғурта ва имтиёзли солиққа тортиш тизимлари орқали муваффақиятли тарзда амалга ошириб келинмоқда. Фикримизча, давлат сиёсати, экспортни рағбатлантиришнинг миллий тизимини такомиллаштириш бўйича изчиллик билан амалга оширилаётган тадбирлар ҳамда экспортёрлар ва давлат ўртасидаги молиявий алоқаларни янада яхшилаш, сотиладиган товарлар номенклатурасини кенгайтиришга, миллий илмий сиғимли маҳсулотлар билан янги истиқболга эга бозорлар ташкил этишга кўмак беради.

Ўз навбатида, импортни тартибга солишда давлат миллий ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, халқаро шартномаларига риоя этилишини назорат қилиш, битимларни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри юритилишини тартибга солиш ва ижросини назорат қилиш, ички бозордаги товарлар нархини тартибга солиш каби асосий вазифаларни бажаради.

Иқтисодиётни глобаллашуви ва байналминаллашуви шароитида импорт жараёнларини яхшилаш шартларидан бири олиб кирилаётган товарларни божхонадан ўтказиш жараёнларини тезлаштиришни йўлга қўйиш ҳисобланади. Японияда божхона фаолиятини автоматлаштириш ва жадаллаштириш шунингдек, божхона ходимларининг лавозим мажбуриятларини тўғри ва аниқ бажариши кучли регламент асосида тартибга солинган.

Шуни ҳам эътиборга олиш лозим, Япония импорт сиёсатининг саноати ривожланган бошқа давлатларга қараганда асосий ажралиб турадиган жиҳати, импорт қилишда катта хажмда нотариф чекловларнинг мавжудлигидир. Расман хорижликлар учун япон бозорлари юзга яқин товар гуруҳлари бўйича ёпиқ ҳисобланади. Умуман олганда, Японияга четдан маҳсулот олиб кириш мушкулдир. Фақатгина, мамлакат истеъмол эҳтиёжидан келиб чиқиб, илмий-техник томондан янги бўлган маҳсулотларни импорт қилиш мумкин.

Японияда мамлакатга маҳсулотларни импорт қилишда турли стандартлар мавжуд бўлиб, улар орқали импорт қилишда кўпгина чекловлар ишлаб чиқилган. Шунингдек, хорижий тадбиркорлар учун Япониядаги воситачилик фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ махсус тизим ҳам қўшимча равишда қийинчилик юзага келтиради. Бунинг сабаби, Японияда “ишлаб чиқарувчи-воситачи-истеъмолчи” анъанавий занжирли тизим мавжудлигидадир. Лекин мазкур тизим орқали япон тадбиркорлар харажатларни қисқартирган ҳолда, нарх бўйича устунликка эга бўладилар.

Умуман олганда, Япония ташқи иқтисодий стратегиясининг ўзига хос бўлган учта устунлик жиҳатлари мавжуд:

- бошқа давлатлар билан ташқи савдодаги диспропорцияни тенглаштириш;
- капитал экспорти ҳажмини кенгайтириш;
- ривожланаётган давлатларга ёрдам беришни кенгайтириш орқали келажакда мазкур давлатларда япон товарлари экспортини рағбатлантиришни амалга ошириш[6].

Мазкур стратегияни амалга жорий этилиши шубҳасиз, Япониянинг жадал суръатлар билан ривожланиши ҳамда жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнини янада мустаҳкамлашига улкан ҳисса қўшади. Шу билан бирга, иқтисодий ўсишни таъминлайдиган иқтисодиётни экспортга йўналтирилганлиги ва инвестицияни рағбатлантириш йўналишлари бир-бирини инкор этмайди. Яъни, экспортга йўналтирилган ривожланиш пул таклифини ва фоииз ставкаларни ўзгартириш ҳисобидан ички инвестицияни рағбатлантиради. Фикримизча, экспорт ва инвестицион ресурслар бир-бирини ўрнини босади ва Япония иқтисодининг ўсиши бир вақтда ҳам экспортни ҳам инвестицияни рағбатлантириш ҳисобидан амалга оширилади. Шунинг учун мазкур икки моделлар мамлакат иқтисодиётини ривожланишида асосий ўринни эгаллайди.

Умуман, замонавий вазият таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистоннинг глобал жаҳон ҳўжалик алоқалари тизимида самарали жалб қилиниши таркибий ўзгаришларни бартараф этиш ва иқтисодиётни техник модернизация қилишни талаб этади. Бу рақобатбардошликнинг янада юқори даражасига чиқиш имконини беради. Шу билан бир пайтда, ташқи савдо сиёсатида либераллаштириш ва протекционизм нисбатини шакллантириш механизмида янглишиш ва хатоларга йўл қўймаслик муҳим аҳамият касб этади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, макроиқтисодий тартибга солишнинг аввалги мақсадларини сақлаб қолган ҳолда ташқи дунё билан ўзаро алоқаларнинг сифат жиҳатидан бошқа турига ўтиш ва мавжуд ўзгаришларни бартараф этишнинг имкони йўқ.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаймизки, самарали ташқи иқтисодий сиёсат шакллантиришда фақат жорий конъюнктура характеридаги мулоҳазага амал қилиш билан чекланмаслик лозим. Ўзбекистоннинг узок муддатли стратегик манфаатларига нималар жавоб беришини диққат билан баҳолаш ва шу асосда иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларига ёндашувларни ишлаб чиқиш зарур. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий жараёнларга қалинроқ кириб бориш босқичида ташқи соҳадаги устунликлардан максимал даражада фойдаланишга имкон бериб, жаҳон ҳўжалик конъюктурасининг инқироз ҳолати оқибатларини юмшатиши мумкин бўлган давлат савдо сиёсатига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Замонавий глобал иқтисодиётда рўй бераётган жараёнлар жуда катта фойда келтириши ҳам, вайрон қилувчи рискка ҳам олиб келиши мумкин. Ўзбекистон жаҳон иқтисодий тизимида ўзига муносиб ўрин эгаллай олиши мумкинлиги ушбу юқори динамикали муҳитда таянч нуқталари ва устуворликларни қанчалик тўғри танлашга боғлиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <http://banauka.ru/600.html>;

2. Мазкур қонун 1949 йил 1 декабрда қабул қилинган (1980 йил декабрь, 1991 йил апрель ва 1997 йил апрель ойларида ўзгартиришлар киритилган) бўлиб, асосий мақсади: валюта ҳаракати, савдо битимлари бўйича ташқи ҳисоб-китобларни ҳамда Японияда хорижий капиталнинг фаолиятини тартибга солиш ҳисобланади;

3. О.Иванов к.э.н, заместитель директора Департамента экономического сотрудничества *МИД РФ* Государственное регулирование внешне-экономической деятельности: опыт Японии;

4. Эксим банк (Япония экспорт-импорт банки) 1951 йилда “Япония экспорт банки тўғрисида”ги қонунга мувофиқ “мустақил давлат молия-кредит ташкилоти” сифатида ташкил қилинган. Асосий мақсади ўрта ва узоқ муддатли экспорт операцияларини молиялаштиришдан иборат;

5. Караиванов А.А. Сравнительные преимущества как фактор развития российско-японских экономических отношений. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва- 2010;

6. <http://banauka.ru/600.html>.